



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Зарбдор тумани

2021 йил 23 декабрь

4-1303-2101/2168-сонли иш

Зомин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Х.Бегматов раислигида, судья ёрдамчиси Н.Абдазов котиблигида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар “Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти манфаатида жавобгар **"NUR SHUL'ASI" фермер хўжалиги**га нисбатан берган даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили О.Каримов, Б.Маматқулов (ишончномага асосан) иштирокида, жавобгар вакили иштирокисиз, Зарбдор туман электр таъминоти корхонаси биносидан бўлиб ўтган очиқ сайёр суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда матнда Палата деб юритилади) даъвогар “Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда матнда Даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар **"NUR SHUL'ASI" фермер хўжалиги** (кейинги ўринларда матнда Жавобгар деб юритилади) дан электр энергияси тўловидан бўлган **38815116** сўм қарздорликни ундиришни ва Палата ишни ўзининг иштирокисиз, даъвогар вакили иштирокида кўришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакиллари даъво талабини қўллаб-қувватлаб, судга ушбу кун **2021 йил 23 декабрь** ҳолатига маълумотнома тақдим қилиб, жавобгар томонидан қарздорлик бугунги кунга қадар умуман тўлаб берилмаганлигини маълум қилиб, даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўрашди.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисида иштирок этмади. Суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127-129, 170-моддаларига асосан ишни унинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб, ишда иштирок этган даъвогар вакиллари кўрсатмаларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра, даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатлари ва суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, даъвогар ва жавобгар ўртасида **2021 йилда** электр энергия таъминоти шартномаси тузилган. Ушбу шартномага асосан жавобгарга электр энергияси етказиб берилган бўлса-да, жавобгар тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлиги оқибатида бугунги кун ҳолатига электр энергиясидан **38815116** сўм қарздор бўлиб қолган. Даъвогарнинг қарздорликни тўлаб бериш ҳақидаги талабномаси белгиланган муддатда бажарилмаганлиги сабабли даъвогар томонидан қарзни жавобгарнинг банкдаги ҳисоб-варақларидан сўзсиз ундириш чоралари кўрилган. Жавобгарнинг ҳисоб рақамида пул маблағи бўлмаганлиги сабабли тўлов талабномаси ижросиз қолдирилган. Шу боис, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан даъвогар манфаатида ушбу даъво аризаси билан судга мурожаат қилинган.



Даъво талаби асосли. Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.6-бандида “Истеъмолчи” га энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин, энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади” деб белгиланган бўлса-да, жавобгар тўловни ўз вақтида амалга оширмаган ва тўлов муддати ўтган қарздорликка йўл қўйган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” нинг 70-банди иккинчи хатбошисига кўра, маиший истеъмолчилар ҳар ойнинг 10-санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига асосан, энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ташкилот ёки абонент шу туфайли етказилган ҳақиқий зарарни қоплаши шарт.

Даъвогар вакили томонидан судга тақдим этилган **2021 йил 23 декабрь** ҳолатига тақдим қилинган маълумотномага кўра, жавобгарнинг жами электр энергиясидан бўлган қарздорлиги **38815116** сўмни ташкил этиши кўрсатилганлиги боис, суд даъвони ушбу суммага қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Баён қилинганларга кўра, суд даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига **38815116** сўм электр энергиясидан бўлган қарз суммасини ундиришни, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига асосан суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 127-129, 170, 176-181-моддаларига амал қилиб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

"NUR SHUL'ASI" фермер хўжалигидан “Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти фойдасига **38815116** сўм электр энергиясидан бўлган қарз ва тўланган 21600 сўм почта харажатлари ундирилсин.

"NUR SHUL'ASI" фермер хўжалигидан Республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига **776302,32** сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан бир ой муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач шу ҳақда ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарор устидан бир ой муддат ичида шу суд орқали Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Раислик этувчи, судья

Ш.Х.Бегматов

